



Ислом, зинони ҳаром килганидек, унга олиб борадиган барча йўлларни ёпган, бутун воситаларни ҳаром килгандир. Бунга кўшимча ўларок ҳазрати Лутнинг кавмлари килган ва шунинг учун хам унга ливота номи берилган эркакларнинг эркакларга жинсий муносабатини ҳаром килгандир.

Бундай тубан иш юксак яратилишни чўқтириш ва чиритишдир... Ифлослик ва сафолат боткогига ботишлиkdir... Эркакликни бузиб парчалашдир... Ва хотинларнинг хаккига тажовуз ва буюк жиноятдир...

Бу ифлос гунох кайси жамиятда мавжуд бўлса уни ҳалокатга олиб боради. Инсонларни кўр килади... Хар турли ахлок, урф ва завкни оёқ ости килади. Бу ифлос ахлоксизликни илк марта килган, ҳалол, покиза хотинларни бир томонга суриб кўйиб, ёмон ва ҳаром

шахватини кондирган хазрати Лутнинг кавми хакидаги илохий ифода бизга бу хусусда етарли далилдир. Шу сабабдан уларга пайгамбарлари Аллоҳ таолонинг ифода ва амр буйруги шаклида шундай демокда:

"Сизлар бутун оламлардан (ажраб - хеч бир жонзот килмаган ишни килиб) эркакларга якинлашурмисизлар?! Ва Парвардигорингиз сизлар учун яратган жуфти халолларингизни тарк килурмисиз?! Йўқ, сизлар хаддан ошувчи кавмдирсизлар". (Шуаро сураси-165-166)

... Ва Куръон хазрати Лут алайхиссаломнинг тилларидан уларни гумрохликда, жаҳолатда, исроф, бузгунчилик ва жиноятчилик билан маломат килади.

Бу килмишлари учун фитратларини бузган, комилликларини йўкотган, ахлокларини чўқтирган ва завкларини маҳв этган у кавмнинг энг ёмон холати - Аллоҳ таоло томонидан хазрати Лут алайхиссаломга меҳмон сифатида юборилган азоб фаришталарига нисбатан кўрсатган муомалаларидир. Куръони Каримда бу воеа шундай зикр килинади: "Качонки элчиларимиз Лутнинг олдига келганларида, у бундан ёмон холга тушди ва уларнинг келишларидан юраги сикилиб, деди: "Бу кун оғир кундир. (Дарҳакикат, Лут пайгамбарнинг хузурига йигитлар келганини эшитгач) кавми унинг олдига чопиб келишди. Улар илгаридан ёмон ишлар -баччабозлик килар эдилар. У айтди: "Эй кавмим, анави кизларим (яъни, шахримиздаги кизлар) сизлар учун покрок-ку (яъни, ўшаларга уйланаверсангизлар бўлмайдими)?!. Бас, Аллоҳдан кўркинглар ва меҳмонларим олдида мени шарманда килманглар. Орангизда бирон тўгри йўлга юргувчи киши йўкми?!" Улар дедилар: "Сен кизларингга мухтоҷ эмаслигимизни аник биласан. Шунингдек, биз нимани исташимизни хам жуда яхши биласан". (Лут) деди: "Кани эди, сизларга кучим етса ёки кучли бир суюнчигим бўлса". (Худ сураси -77-80).

Ислом фукахолари бу тубан ишни килган кишиларнинг жазоси хусусида ихтилоф килганлар: Ажабо хар иккисига хам зино килганларнинг жазоси берилиши керакми? Ёки хар иккисини хам ўлдирилиши керакми? Катл вожиб бўлса нима билан ўлдирилиши керак? Килич биланми? Ўтда ёкиш биланми? Ёки баланд девордан ташлаб юборишлик биланми?

Нима бўлганда хам кўринишида жуда аёвсиз ва раҳмсиз туюлган хукмлар аслида Ислом жамиятини халок килиш ва йўқ килишдан бошкага ярамайдиган бу заарли ва ифлос жиноятчиларни тозалашга хизмат килади.

Юсуф Каразовийнинг "Исломда халол ва харом" китобидан
Абу Муслим тайёрларди